

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

17 Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
14 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2067*

(2010 йил 24 январдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва ишлаб чиқиш тўғрисида»ги 267-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида **бюраман:**

1. Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир в.б.

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 декабрь,
76/1-Б-сон

Ўзбекистон Республикаси
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2009 йил 10 декабрдаги
76/1-сонли буйруғига
ИЛОВА

Дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ҚОИДАЛАРИ

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ дарё транспорти ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ички сув йўлларида дарё транспортдан фойдаланаётган ёки фойдаланишни таъминлаётган ташкилотлар (бундан кейинги ўринларда ташкилотлар деб юритилади) ходимлари учун дарё транспортда ташишларни ташкил этиш ва амалга ошириш, дарё транспортдан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ишлари учун таллуклидир.

2. Мазкур Қоидалар ташкилотларда биноларини ва иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва қайта қуришда, цехларни техник жиҳозлаш ва қайта жиҳозлашда, технологик жараёнлар ҳамда ускуналардан фойдаланишда ҳисобга олиниши лозим.

3. Мазкур Қоидалар техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талаблари бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

4. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат назорати бунга махсус ваколат берилган давлат органлари томонидан, жамоатчилик назорати эса меҳнат жамоалари ва қасаба уюшмаси ташкилотлари томонидан сайланадиган меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакиллар томонидан амалга оширилади.

II. Хавфсизлик бўйича умумий талаблар

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматини ташкил этиш

5. Ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш ҳақидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

6. Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил қилиш ҳақидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 273, 1996 йил 14 август) мувофиқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ички назоратнинг асосий турлари қуйидагилар ҳисобланади:

ишларга раҳбарлик қилувчи ва бошқа мансабдор шахсларнинг тезкор назорати;

маъмурий-жамоатчилик назорати (уч босқичли назорат);

бош мутахассислар хизмати томонидан амалга ошириладиган назорат.

Қуйидагилар назорат қилиниши лозим:

иш жойларининг аҳволи;

меҳнат қонунчилигига риоя қилиниши;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш вазифаларини амалга оширишга доир ишларни бажариш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида, тўғри ўрганиб чиқилиши;

меҳнатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилиши;
меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағларнинг тўғри сарфла-
ниши.

7. Ташкилотларда қуйидаги асосий ҳужжатлар ишлаб чиқилади (тасдиқ-
ланади) ва юритилади:

меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини яхшилаш,
санитария-соғломлаштириш чора-тадбирлари бўйича бўлимни ўз ичига ол-
ган жамоавий шартнома;

тасдиқланган меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш ўринларини аттес-
тация қилиш услубига мувофиқ иш ўринларини аттестация қилиш карта-
лари;

меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг чораклик иш режалари;
ишчилар ва муҳандис-техник ходимларни ўқитиш, йўл-йўриқ бериш ва
билимларини синовдан ўтказиш дастурлари;

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича маъмурий-жамоатчилик назоратини
юритиш журнали (уч босқичли назорат);

ишчи ва хизматчилар билан ёнғинга қарши йўл-йўриқ бериш ва ёнғин-
техникавий минимум машғулотларини ўтказиш дастури;

хар бир касб ва иш турлари бўйича меҳнатни муҳофаза қилиш йўриқ-
номалари.

8. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғриси-
да»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборот-
номаси, 1993 йил, 5-сон, 223-модда) 14-моддасига мувофиқ ходимлар сони
50 нафар ва ундан ошадиган ташкилотларда махсус тайёргарликка эга шахс-
лар орасидан меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари тузилади (лавозим жорий
этилади), 50 ва ундан ортиқ транспорт воситаларига эга бўлган ташкилот-
ларда эса бундан ташқари йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари тузилади
(лавозимлар жорий этилади). Ходимлар сони ва транспорт воситалари миқ-
дори камроқ ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг вазир-
фаларини бажариш раҳбарлардан бирининг зиммасига юклатилади.

9. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ўз мақомига кўра ташкилотнинг
асосий хизматларига тенглаштирилади ва унинг раҳбари ёки бош муҳанди-
сига бўйсунди ҳамда ташкилотнинг фаолияти тугатилган тақдирда бекор
қилинади.

10. Меҳнатни муҳофаза қилиш хизматининг мутахассислари лавозим
йўриқномасига биноан уларнинг мажбуриятлари жумласига киритилмаган
бошқа ишларни бажаришга жалб қилиниши мумкин эмас.

11. Ташкилотларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган
бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни текшириш ва ҳисобини
юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил
6 июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган Ишлаб чиқаришдаги бахт-
сиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини
текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширили-
ши лозим.

2-§. Ходимларга йўл-йўриқ бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини синовдан ўтказиш ишларини ташкил этиш

12. Ташкилотларнинг барча ходимлари, шу жумладан раҳбарлари ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўл-йўриқлар олишлари ҳамда билимлари синовдан ўтказилиши керак.

13. Ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича билимларини синовдан ўтказиш Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш ҳақидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

14. Ишларни технологик регламент бўйича хавфсиз юритиш йўриқномалари Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 870, 2000 йил 7 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси 2000 й., 1-сон) мувофиқ ишлаб чиқилади ва ишловчилар ҳамда иш жойларини шу йўриқномалар билан таъминлаш ташкилот раҳбарияти зиммасига юклатилади.

3-§. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари

15. Ташкилот хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, уларнинг тавсифи, юзага келиш манбалари, ишчиларга таъсир қилиш хусусиятлари ва саломатлик учун хавфлилик даражаси ва келгусидаги оқибатлари тўғрисида тўлиқ ва холисона маълумотга эга бўлиши лозим.

16. Иш жойларидаги ишлаб чиқариш муҳити ва меҳнат жараёнининг хавфли ҳамда зарарли омиллари тўғрисидаги маълумотлар ишлаб чиқариш муҳитининг физик, кимёвий, радиологик, микробиологик ва микроиқлим ўлчови натижалари, шунингдек меҳнатнинг оғирлиги иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестация қилиш орқали тасдиқланиши лозим.

17. Ҳар битта ташкилот ёки алоҳида ишлаб чиқариш хавфли ва зарарли меҳнат шароитларига эга бўлган касблар, иш ўринлари ва ҳудудларининг Санитария қоидалари ва меъёрларига мувофиқ зарарлилик ва хавфлилик синфи кўрсатилган рўйхатига, ишлаб чиқариш омилларининг зарарлилик ва хавфлилик кўрсаткичлари, меҳнат жараёнининг оғирлик кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитларининг амалдаги гигиеник таснифига эга бўлиши лозим.

18. Иш ҳудудига ёки атроф муҳитга зарарли моддаларни буғ, газ, чанг кўринишида ажратиши мумкин бўлган технологиялардан фойдаланишда уларнинг кимёвий ва микробиологик таркиби ва рухсат этилган энг кўп миқдори кўрсатилган тўлиқ рўйхати тузилиши лозим.

19. Янги зарарли моддалар пайдо бўлишига ёки хавфли ва зарарли омиллар йўқолишига олиб келадиган технологик жараёнлар ўзгаришларида ёхуд янги ишлаб чиқариш ускуналарни жорий қилишда рўйхатларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши лозим.

20. Ташкилот ходимлари иш жойларидаги меҳнат шароитларининг аҳволи ва муҳофаза қилиниши, бунда лозим бўлган шахсий ҳимоя воситалари, имтиёзлар ва товон пуллари тўғрисида ахборот талаб қилиш ҳуқуқига эгадирлар, раҳбарият эса уларга бундай ахборотни бериши шарт.

21. Дарё транспортдан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш даврида ташкилот ишчилари ишлаб чиқаришнинг ҳар хил таъсир этувчи физик ва кимёвий хавфли ва зарарли омилларига дуч келишлари мумкин.

22. Ишлаб чиқаришнинг асосий хавфли ва зарарли омиллари:

а) иш ҳудуди ҳавосининг газланганлиги ва чангланганлиги;

б) иш ҳудуди ҳавосининг юқори ёки паст ҳарорати;

в) иш жойидаги юқори даражадаги шовқин;

д) юқори ёки кам ҳаво намлиги;

г) ҳавонинг юқори ёки кам ҳаракати;

ж) иш ҳудудининг етарлича ёритилмаганлиги;

е) тўғридан-тўғри ёки акс этган ялтираш;

ё) иш жойининг жуда баландликка жойлашганлиги;

к) ҳаракатланаётган машина ва механизмлар, кран ускуналарининг ҳаракатланаётган қисми, кўтарилаётган ва кўчирилаётган юк, арконлар, занжирлар, строплар, илгаклар, траверслар, қисқичлар, мувозанатлантирувчилар, юк ушлагичлар ва ҳ.к., ташилаётган юкларнинг ўткир бурчаклари, чиқиб турган болтлар, михлар, ҳаракатланаётган кранлар, дарё, автомобиль ва темир йўл транспортлари ва бошқалар;

л) электр узаткичли кранларда қисқа туташув натижасида инсон танаси орқали ўтувчи электр занжиридаги юқори кучланишлар;

м) автомобиль кранларда, автотранспорт техникаларида ва авто юклагичларда этил бензинининг заҳарли таъсири ва бошқалар.

23. Ҳаракатланувчи машина ва механизмлар, ишлаб чиқариш ускуналарининг ҳаракатланувчи қисмлари давлат стандартлари талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

24. Санитария-гигиена талаблари микроклимат кўрсаткичларига, шовқин ва тебраниш даражаси, ёруғлик, Санитария қоидалари ва меъёрлари ҳамда давлат стандартларига мувофиқ бўлиши шарт.

25. Иш ҳудудидаги ҳавонинг зарарли моддалар миқдори гигиена меъёрларига мос келиши шарт.

26. Ортиш-тушириш ишлари бажарилаётган жойларда зарарли моддалар (аэрозол, буғ) ва иш ҳудудининг чангланиши рухсат этилган чегараланган концентрациядан ошмаслиги керак.

4-§. Жамоавий ва якка тартибдаги ҳимоя воситаларини қўллаш

27. Ишловчиларни зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омилларидан ҳимоя қилиш тегишли стандартлар ва меъёрлар талабларига мос жамоавий ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш орқали таъминланиши лозим.

28. Жамоавий ҳимоя қилиш воситалари жумласига қуйидагилар киради: ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ҳаво муҳитини нормаллаштириш воситалари (шамоллатиш ва ҳаво тозалаш, иситиш, ҳаво ҳароратини, намлигини бир хил меъёردа сақлаш ва бошқалар);

ишлаб чиқариш хоналари ва иш жойларининг ёруғлигини нормаллаштириш воситалари (ёритиш асбоблари, ёруғлик ўринлари, ёруғликдан ҳимоя қилиш мосламалари ва бошқалар);

шовқин, тебранма, электр токи уриши, статик ток ва ускуналар юзасининг юқори даражадаги ҳароратдан ҳимоя қилиш воситалари;

механик ва кимёвий омилларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш воситалари.

29. Жамоавий ҳимоя воситалари (вентиляция, аспирация, ерга улаш, маҳаллий сўрғичлар ва бошқалар) зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш муҳити омиллари хонадаги барча ишловчиларга таъсир қилганда қўлланиши шарт ва ташкилотни қуриш ёки реконструкция қилиш лойиҳаларига киритилиши лозим.

30. Жамоавий ҳимоя воситалари зарарли ва хавфли омилларни рухсат этилган миқдоргача камайтириш имконини бермаган ҳолларда шахсий ҳимоя воситалари қўлланиши лозим. Бундай ҳолларда шахсий ҳимоя воситаларисиз кишиларнинг иштироки ва ишлар амалга оширилиши тақиқланади.

31. Якка тартибдаги ҳимоя воситалари Автомобиль ва дарё транспорти ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида (рўйхат рақами 1511, 2005 йил 8 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 34 — 36-сон, 269-модда) мувофиқ таъминлаши шарт.

5-§. Касбий танлов

32. Ҳар битта ташкилот ўта хавфли шароитда бажариладиган ишлар рўйхатига эга бўлиши лозим. Рўйхатда аниқ технологик жараён, ишлаб чиқариш ускунаси, ишлатиладиган хом ашё ва ишларни амалга ошириш хусусиятлари билан боғлиқ хавфлар ҳисобга олинishi лозим. Рўйхатга хавфли моддалар билан бажариладиган ишлар, баландликда, ифлосланган ҳаво ва сув муҳитида, юқори ҳарорат ва намлик шароитида бажариладиган ишлар, буғ ва сув иситиш қозонлари, юк кўтариш механизмлари, босим остида ишлайдиган сифимлар, электр ускуналарга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ва амалдаги тармоқ рўйхатларига мувофиқ бошқа ишлар киритилиши шарт.

33. Ўта хавфли ишларга хизмат кўрсатиш ишлари билан шуғулланиш фақат белгиланган тартибда тасдиқланган, махсус ўқитилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларга эга бўлган шахсларга рухсат этилиши лозим.

34. Касбий танловдан сўнг ишга қабул қилинган ходимларни касбий маҳорати юқори эканлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида назорат ўрнатиш, зарур бўлганда қайта йўл-йўриқдан ўтказиш лозим.

35. Ташкилот раҳбарияти ёки иш берувчи хавфлилик даражаси юқори

бўлган ишларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва уларга нисбатан белгиланган талабларга мувофиқ ҳолда амалга ошириш учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади.

6-§. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишига рухсат бериш

36. Ташкилот ходимлари ишни бажаришнинг хавфсиз усулларига ўқитилиб, олинган билимлари Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш ҳақидаги намунавий низомга (рўйхат рақами 272, 1996 йил 14 август) мувофиқ синовдан ўтказилгандан сўнг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишга рухсат этилиши мумкин.

37. «Ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг меҳнати қўлланиши тақиқланганидан ноқулай меҳнат шароитлари ишлари рўйхати»га (рўйхат рақами 1990, 2009 йил 29 июль) мувофиқ 18 ёшга тўлмаган шахслар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

38. «Аёллар меҳнатидан фойдаланиш қисман ёки тўлиқ тақиқланган ноқулай меҳнат шароитига эга ишлар рўйхати»га (рўйхат рақами 865, 2000 йил 5 январь) мувофиқ аёллар зарарли ва ноқулай меҳнат шароитига эга ишларга қабул қилинмаслиги лозим.

7-§. Ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш

39. Ташкилотларда ходимларнинг соғлигини назорат қилиш «Ходимларни ишга қабул қилишда дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруқ (рўйхат рақами 937, 2000 йил 23 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 10-11-сон, 116-модда) асосида амалга оширилиши лозим.

40. Ташкилот раҳбарияти (ёки иш берувчи) касаба уюшмаси кўмитаси ва ваколатли соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда ҳар йили даврий тиббий кўриқдан ўтиши лозим бўлган ходимларнинг рўйхатини тузиши ҳамда ходимларнинг кўриқка келишини таъминлаши лозим.

41. Тиббий кўриқлар ташкилотнинг тиббий-санитария қисмлари ва поликлиникалари, улар мавжуд бўлмаган ҳолда даволаш-профилактика муассасаси томонидан ўтказилиши лозим.

42. Ташкилот раҳбарияти тиббий кўриқ далолатномаси билан танишиб чиқиши, ҳамда далолатномада кўзда тутилган барча тадбирлар ва кўрсатмаларни бажариши лозим.

43. Даврий тиббий кўриқлар ўз вақтида, сифатли ўтказилиши ва уларнинг натижаларига кўра тавсиялар бажарилиши учун жавобгарлик ташкилотнинг раҳбарияти зиммасига юкланади.

44. Ходим тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлаган ёки тиббий комиссиялар томонидан ўтказилган текширишлар натижаларига кўра берилган тавсияларни бажармаган тақдирда раҳбарият ушбу ходимни ишга қўйишга ҳақли эмас.

8-§. Меҳнат ва дам олиш юзасидан талаблар

45. Ташкилотларда ходимларнинг иш вақти, дам олиш вақти, шунингдек қисқартирилган иш вақти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимлар учун иш вақтининг чекланган муддати талабларига мувофиқ ташкилотларнинг ички меҳнат қоидаларида белгиланади.

9-§. Ташкилот майдонларига бўлган умумий хавфсизлик талаблари

46. Ташкилот майдонлари ва биноларни жойлашуви СанМваҚ II-89-80 «Саноат ташкилотларини бош плани»га мос бўлиши керак.

47. Ташкилотда транспорт воситаларини ва пиёдаларни ташкилот ҳудудида ҳаракатланиш чизмаси ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бўлиши керак.

48. Транспорт воситалари ва ташкилот ҳудудида пиёдаларнинг ҳаракати чизмаси ташкилотга кириш ва чиқиш, ҳамда иш участкалари ва цехларнинг кўринарли жойларига осиб қўйилиши керак.

49. Ташкилотда автотўллар ёки пиёда йўлқалари билан туташган ички ташкилот темир йўллари учрашган жойларда автотўллар ва пиёдалар учун ўтиш йўллари бўлиши лозим.

50. Ташкилот майдонлари кўкаламзорлаштирилган ва сув қуйиш қувурлари тармоқлари билан таъминланган бўлиши керак. Қурилиш майдонида ишчилар учун дам олиш жойлари бўлиши лозим.

51. Сутканинг қоронғи вақтларида ҳудудларнинг ёритилиши «Табиий ва сунъий ёритиш» ҚМҚ 2.01.05-98 талабига жавоб бериши керак.

52. Ташкилот майдонидаги ўтиш жойлари мустаҳкам ёпқичлар, сувлар оқиб кетадиган иншоотлар билан жиҳозланган бўлиши керак.

53. Йилнинг ёз вақтида йўлқалар ва ўтиш жойларига сув сепилган, кишда қордан тозаланиб, қум сепилган бўлиши керак.

10-§. Бино ва иншоотларга бўлган хавфсизлик талаблари

54. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи хоналарни (харорати, нисбий намлиги, ҳавони ҳаракатланиш тезлиги ва бошқалар) микроиқлими ГОСТ 12.1.005-88 талабига мувофиқ бўлиши керак.

55. Ишлаб чиқариш ва ёрдамчи биноларда ҳожатхона, ювиниш хонаси, душ, аёллар шахсий гигиенаси хонаси, ечиниш хонаси, махсус кийимларни қуритиш ва чангдан тозалаш хонаси, ишчилар учун исиниш хонаси, дам олиш ва овқатланиш хонаси, йиғиштириш инвентари билан бирга навбатчи ходим хонаси, дам олиш хонаси, соқолни олиш, бошни қуритиш, махсус кийимларни ювиш хонаси, соғлиқни сақлаш пункти ва бошқалар ҚМҚ 2.09.04-98

«Ташкилотларнинг маъмурий ва маиший бинолари» талабига мос келиши керак.

56. Хўл жараёнлардаги хоналарда ҳамда иссиқ ўтказувчи полларда (бетонли, ғиштли, плитали ва бошқалар) мунтазам ишловчи ишчи жойларида ёғоч тўшамалар ва панжаралар ётқизилган бўлиши керак.

57. Пол тўшамалари зарарли моддалар, ишлаб чиқаришдаги кирлар ва чанглардан енгил тозаланишни таъминлаши керак.

58. Ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари СанМваҚ 2.09.02-85 «Ишлаб чиқариш бинолари» талабига мос келиши керак.

59. Бинога транспорт воситаларини кириш жойлари дарвозалар ва сигнал асбоб-ускуналари билан таъминланган бўлиши лозим.

11-§. Ёнғин ва портлаш хавфсизлиги талаблари

60. Ишлаб чиқариш жараёнларининг ёнғин ва портлаш хавфсизлиги, уларни режалаштириш, ташкиллаштириш ва олиб бориш ГОСТ 12.1.004-91 «Ёнғин хавфсизлиги. Умумий талаблари»га, ГОСТ 12.1.010-90 «Портлаш хавфи. Умумий талаблари»га ва ушбу Қоидаларга мувофиқ таъминланиши лозим.

61. Ташкилотларда мавжуд меъёрлар асосида маҳаллий ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқнома ҳамда ёнғин содир бўлган вақтда ходимларни эвакуация қилиш чизмаси ишлаб чиқиши ва кўринадиган жойга осиб қўйиши лозим.

62. Ёнғин хавфсизлиги йўриқномаси талабларини ўрганиш ишлаб чиқаришдаги ўқитиш тизимига киритилган бўлиши лозим.

63. Ҳар бир ташкилотда раҳбарият буйруғи билан барча ишлаб чиқариш, ёрдамчи ва маиший хоналарда ёнғин хавфсизлигига масъул ходим тайинланиши лозим. Ёнғин хавфсизлигига масъул шахс фамилияси, ёнғин хавфсизлиги қутқарув хизмати телефонлари ёзилган пештахталар кўринадиган жойга осиб қўйиши лозим.

64. Ёнғин хавфсизлигига масъул шахс мажбуриятлари ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқномада белгиланган бўлиши лозим.

65. Ҳар бир ташкилотда ёнғинга қарши асбоблар тўплами, ёнғин ўчириш воситалари, сони ва жойлаштирилиши ҳудудий ёнғин хавфсизлиги хизмати билан келишилган бўлиши лозим.

66. Барча ходимлар ишлаб чиқаришнинг ўқитиш тизимида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ўрганиш мақсадида, ташкилот учун ёнғин хавфсизлиги бўйича махсус тайёргарликдан ўтадилар. Ходимларни ёнғинга қарши тайёргарлиги ёнғинга қарши йўриқномадан ўтказиш ва ёнғин-техник минимуми бўйича машғулотлар ташкил этишдан иборат.

67. Ёнғин-техник минимуми машғулотлари натижаси бўйича ходимларнинг олган билимлари синовдан ўтказилиши лозим. Ёнғин-техник минимуми бўйича ўтказилган синов натижалари ҳужжатлаштирилиб, унда ўтилган мавзулар бўйича баҳолар кўрсатилиши лозим.

68. Ёнғинга қарши тайёргарликдан ўтмаган шахслар ишга қўйилмайди.

69. Ишлаб чиқариш участкасида, лабораторияда, омборда ва маъмурий биноларда (эгаллаган лавозимидан қатъи назар) ишлаётган ҳар бир ходим ёнғин хавфсизлиги қоидаларини аниқ ва қатъиян бажариши, ёнғинга олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларга йўл қўймаслиги лозим.

70. 15 кишидан ортиқ ишловчи бўлган иш участкаларида қўнғилли ёнғин ўчирувчи дружина (КЁЎД) ва техник-муҳандис ходимлар бўлганида эса, қўшимча равишда ёнғин-техник комиссияси (ЁТК) тузилади.

71. Қўнғилли ёнғин ўчириш дружина аъзоси, шунингдек жанговор ҳисобга киритилган шахслар ёнғин хавфсизлиги қоидаларини аниқ билиши, уларга риоя қилиши ва буни бошқалардан талаб қилиши, автоматик ёнғин ўчириш қурилмалари ва бирламчи ёнғин воситаларининг созлигини назорат қилиши, ёнғин чиққанда эса, уни ўчириш бўйича ўз мажбуриятларини фаол бажариши лозим.

72. Ташкилотнинг барча бино ва иншоотларига кириш жойларининг бўш бўлиши таъминланиши лозим. Бино ва ёнғинга қарши сув манбаи йўлакларига олиб борувчи, ҳамда ёнғин ўчириш восита ва ускуналарига борадиган йўлаклар доимо бўш бўлиши керак. Бинолар оралигидаги ёнғинга қарши ораликлар материаллар, ускуналар, бўш идишларни тахлаш ва автомобиль тўхтов жойи ташкил этишга рухсат этилмайди.

III. Дарё транспорти воситаларидан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда хавфсизлик талаблари

1-§. Умумий қоидалар

73. Дарё транспорти воситаларидан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш Дарё транспортини техник ишлатиш қоидалари (рўйхат рақами 990, 2000 йил 6 декабрь), Ўзбекистон Республикаси ички кема йўлларида сузиш қоидалари (рўйхат рақами 769, 1999 йил 9 июль) ва Мазкур Қоидаларга мувофиқ бажарилиши шарт.

74. Дарё транспортида юкларни ташиш, уларга ишлов беришда Юк ортиш ва тушириш ишларидаги юкчилар учун ишларнинг хавфсизлиги қоидалари (рўйхат рақами 1582, 2006 йил 13 июнь) талабларига риоя этилган ҳолда бажарилиши шарт.

2-§. Сузувчи воситалардан фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда хавфсизлик талаблари

75. Сузувчи воситаларни кемачиликдаги хавфсизлик талабларига мувофиқ сузишга тайёрлаш ташкилотнинг вазифасига киради.

76. Қуйидаги ҳолларда кемаларга сузишга рухсат берилади, агар:

а) қонун ҳужжатларида белгиланган кемачилик хавфсизлиги, шунингдек экология ва ёнғин хавфсизлиги, санитария-эпидемиология қоидалари ва меъёрлари талабларига мувофиқ бўлса;

б) кемани сузишга чиққан кунидаги экипаж таркиби сони кеманинг экипаж таркибини минимал белгиланган талабларига мувофиқ бўлса.

77. Ташкилот раҳбарияти қуйидаги талабларни бажариши шарт:

а) кемалардан хавфсиз фойдаланишни таъминлашни;

б) кемалардан хавфсиз фойдаланиш учун жавобгар шахсни тайинлашни;

в) кемачиликдаги хавфсизлик талабларига мувофиқ кемалардаги экипаж аъзоларининг ва бошқа ходимларнинг маҳоратини доимий равишда такомиллаштириб боришни;

д) Мазкур Қоидалар билан белгиланган кемачиликдаги хавфсизлик талабларига мувофиқ кемаларни экипаж билан бутлаш ва кемани техник соҳада сақлашни.

78. Кемачиликда хавфсизликни назорат қилишни қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан амалга оширилади.

79. Кемачиликдаги хавфсизликни таъминлаш учун ташкилот ички сув йўллари соҳасида кемачилик ҳолатида сақланишини таъминлаши шарт.

80. Ички сув йўлларида жойлашган гидротехника ва бошқа иншоотларнинг эгалари кемачилик хавфсизлигига таҳдид солувчи вазиятлар пайдо бўлганда бу тўғрисида ўз вақтида тегишли чоралар кўрилиши шарт.

81. Кемаларда барча ишлар белгиланган тартиб талаблари, кемаларда ёнғин хавфсизлиги талаблари, кемаларда ўрнатилган механизмлар, жиҳозлар, ускуналарга хизмат кўрсатиш бўйича тайёрловчи заводлар йўриқномалари ва ушбу Қоидаларнинг талабларига мувофиқ бажарилиши шарт.

82. Ҳар бир экипаж аъзоси ўзининг иш фаолияти турига қараб механизмлар, қурилмалар, асбоблар ва тизимлардан фойдаланиш бўйича йўл-йўриқларни ўрганиши, билиши ва бажариши, иш жойида йўл-йўриқ беришдан ўтиши ва шахсий йўл-йўриқ варақасига ишга рухсат этилганлиги тўғрисида белгига эга бўлиши шарт.

83. Инсонлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдириши мумкин бўлган жиҳозлар, тизимлар, қурилмалар ва механизмларнинг носозлигини аниқлаган экипажнинг ҳар бир аъзоси бу тўғрисида бевосита тегишли шахсларни ҳабардор қилиши шарт.

84. Иш жойлари ва уларга ўтиш жойлари юк ва бегона буюмлар билан тўсилмаган бўлиши, тўкилган нефть маҳсулотлари, қор ва музлардан узлуксиз тозаланиб турилиши шарт. Кема палубасидаги тарамли ва сирпанишга қарши қопламалар ейилишига қараб янгиланиб турилиши шарт. Машина — қозонхона бўлимнинг плита тўшамалари ўз жойида ва маҳкамланган, ундаги барча тирқишлар ёпиқ бўлиши шарт.

85. Тўшаманинг вақтинча очилган жойи тўсилган, қоронғи вақтда ёритилган бўлиши шарт. Тўшаманинг ечилган металл бўлақларининг ўз-ўзидан силжишини олдини олиш учун уларни тахлаб ва боғлаб қўйиш шарт.

86. Ҳар бир экипаж аъзоси фақат эгаллаб турган лавозимида назарда тутилган механизмлар ва қурилмаларга хизмат кўрсатиши шарт.

87. Кемадаги ҳар қандай ишлар, кема ҳаракатланаётган вақтда бир иш жойидан бошқасига кўчиб ўтиш фақат вахта бошлиғининг рухсати билан

бажарилади. Барча холларда унинг рухсатисиз румпел бўлимига, вал қувури туннелига кириш, коффердам ва цистерналарга тушиш таъқиқланади.

88. Рейдда турган ва бир-бирига боғланган кемаларнинг биридан иккинчисига одамларни ўтказишга фақат капитаннинг рухсати билан йўл қўйилади. Вахта бошлиғи одамларнинг хавфсизлигини таъминлаши, ушбу ишга бевосита раҳбарлик қилиши шарт. Ўзбошимчалик билан бортдан бортга ўтишга йўл қўйилмайди.

89. Кемадаги иш жойида фақат шу ишларга қатнашадиган экипаж аъзолари бўлиши шарт.

90. Тўлқин вақтида палубага сув қўйилаётганда кемадаги барча ҳаракатланишлар ва ишлар фақат вахта бошлиғи ёки капитаннинг фармойиши бўйича бажарилиши шарт. Бунда ишловчиларга ишчи ҳимоя нимчалари ва белбоғлар бўлиши шарт.

91. Двигателлар, ёрдамчи механизмлар, электр жиҳозлари, қурилмалар ва ускуналарни таъмирлаш даврида уларга келаётган ток (ёки узатмалар тизими) ўчирилган бўлиши шарт, бу механизмларни ва ишга тушириш мумкин бўлган жойлардаги қурилмаларига (бошқарув пулти, бошқарув пости, рубкаларга) «Ишга туширилмасин — одамлар ишляпти» деган хавфсизлик белгиси осиб қўйилган бўлиши шарт.

92. Буғ ёки иссиқ сув чиқадиган клапан ва жумракларни очаётган вақтда иссиқ оқими тегмаслиги учун ён томонидан туриш шарт.

93. Юқори хавф билан боғлиқ ишлар (қозонлар, газ қувурлари, цистерна ва қобиқ оралиғи бўшлиқлари ва ҳоказоларни текшириш) капитан (механик) раҳбарлиги остида бажарилиши шарт.

94. Трюмларни, лок-бўёқ материаллари ва ёнувчан газ баллонлари сақланадиган хоналарни текширишда ва тозалашда, двигатель, компрессор, тишли узатма ва ёнилғи, мой ва газ буғи, портлашга хавфли концентратлар йиғилиб қоладиган бошқа объектларни ечиш ва текшириш, ёқилғи-мойлаш материаллари цистерналаридаги ёнилғи сатҳини ўлчаш даврида портлашга хавфсиз ишланган кўчма аккумулятор фонарлар ва шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш шарт.

95. Назорат ўлчов асбобларининг шкалаларига ўлчанадиган катталикларнинг юқори рухсат этилган чегарасини билдирувчи (қизил чизик) аниқ белгилар чизилган бўлиши шарт. Техник воситаларга ўрнатилган ҳамда захирада турган назорат ўлчов асбоблари доимо соз, тамғаланган ва текширилган санаси кўрсатилган белги бўлиши шарт. Носоз, тамғаси бўлмаган ҳамда текшириш муддати ўтган назорат ўлчов асбобларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

96. Техника воситаларининг барча ҳимоя клапанлари ва автоматик тартибга келтирувчилари ишончли ишлаши, қоидалар ва йўриқномаларда белгиланган муддатларда текширилиши шарт.

3-§. Кемани боғлашда хавфсизлик талаблари

97. Палубанинг боғлаш ва якор қурилмалари жойлашган участкалари

якор ва боғлаш жараёнларига алоқаси бўлмаган бирор-бир нарса билан тўсилмаган бўлиши шарт. Палубада боғлаш чиғирлари, кнехтлари ёнида ишлаш учун улардан арқоннинг тортилиш чизиги бўйича 1,5 м дан кам бўлмаган масофада бўш жой бўлиши шарт.

98. Брашпиллар, боғлаш чиғирлари, кнехтлар ва якор занжирлари ҳаракатланаётган ҳудудда 0,5 м дан кам бўлмаган масофада бўртиб турган қурилма ва буюмлар бўлмаслиги шарт.

99. Боғлаш клюзлари ва кнехтларидаги уюмловчи планкаларининг ўзаро жойлашиши боғловчининг учини кнехтларга хавфсиз ўтказилишини таъминлаши (стопорларни қўйиш билан) ва ўрамларни ўз-ўзидан ечиблиб кетишига йўл қўймаслик учун уларни мустаҳкам боғланиши ёки кнехт бошига уларни қисиб туришини таъминлаши лозим.

100. Боғлаш қурилмалари кемани қирғоққа ёки бошқа кеманинг бортига ишончли маҳкам туришини таъминлаши шарт. Қирғоққа ёки бошқа кеманинг бортига, айниқса яхши ҳаво вақтида туриш даврида юмшоқ кранцлар қўлланилиши шарт.

101. Боғлаш қурилмасининг қисмлари (кнехт, уювчи планкалар, боғлаш лебедкалари, шпиллар) кемани боғловда тўхтаб туришини ишончли таъминлашлари шарт.

102. Боғлов ишлари учун пўлат, ўсимлик ва синтетик арқонларни қўллаш мумкин. Носоз боғлов қурилмасидан фойдаланиш, шикастланган ёки тегишли сертификатларга эга бўлмаган боғлаш арқонларини қўллаш тақиқланади.

103. Барча боғлаш ишлари вахта бошлиғи раҳбарлиги остида ўтказилиши шарт. Боғлаш ишларида банд бўлган экипаж аъзолари қўлқоп ва ишчи ҳимоя нимчаларида ишлашлари шарт. Кечаси ва сутканинг қоронғи вақтларида боғлаш жойлари ёритилган бўлиши шарт.

104. Боғлаш арқонларини қирғоққа ёки бошқа кемага узатиш «Сақлан» огоҳлантирувчи чақириқ овозидан кейин амалга оширилиши шарт. Узатиладиган учлар учун юк сифатида фақат махсус тайёрланган қаттиқ бўлмаган қопламали қумли қопчалар ёки резинали грушларни қўллашга рухсат этилади.

105. Боғлаш ишларини бажариш вақтида қўйидагилар тақиқланади:

а) тортилаётган ва бўшатилаётган арқоннинг таранглашиш чизигида ёки кўчиш эҳтимоли бўлган томонига туриш;

б) брашпилнинг (шпилнинг) айланаётган чиғиригидан арқонни бўшатиш ва тортиш;

в) фальшборт ва леер тўсиғининг орқасида туриш;

д) арқоннинг ҳаракатланаётган учини ушлаш вақтида қўлни кнехтга (боғлаш қурилмаси) 1 м дан яқин тутиш;

г) арқонни бўшатиш вақтида уни қўлда сирпанишига йўл қўйиш;

е) арқонни оёқлар билан босиб туриш ва боғлаш арқонининг уюми ёки ўрами ичида туриш;

ж) кема инерцияси тўлиқ сўнмасидан арқоннинг ҳаракатдаги учини кнехтга маҳкамлаш.

106. Кемани жиҳозланмаган қирғоққа экипаж кучи билан боғлаш даврида вахта бошлиғи эҳтиётлик билан кеманинг олд қисмини қирғоққа яқинлаштириб, боғлаш арқонини узатиш ва маҳкамлаш учун уни машина ва чамбарак ёрдамида қўзғатмасдан ушлаб туриши шарт. Бундай ҳолларда боғлаш ишларини камида икки киши вахта бошлиғининг раҳбарлиги остида ҳаракат қилиб бажариши ва бир киши кемадан трапни узатиши ва ушлаб туриши ёки вақтинча боғлаши, бошқаси қирғоққа ўтиши ва арқонни боғлаши шарт.

107. Агар арқон учи экипаж кучи ёрдамида қирғоққа ёки бошқа кемага боғланса вахта бошлиғи кемани боғланадиган объект ёнида тўхтатиши ва шу объектга тираб ушлаб туриши шарт. Кема боғлаш объектига батамом келмагунга қадар бортдан сакраш қатъиян тақиқланади.

108. Ҳаракат даврида бир кемани бошқасига боғлаш фақат тўғри ҳаракатланиш участкаларида ва энг кичик ҳаракатланишда бажарилади.

109. Боғлаш учун узатилган арқон палуба ости хоналарига кириш йўллари кесиб ўтмаслиги ва қурилма ва жиҳозларга ишқаланмаслиги ва фақат битта йўналтирувчи қурилма орқали ўтиши шарт.

110. Кемани қирғоқ бўйлаб тортишда кнехтга шунча ўрамлар қолдириш лозим.

111. Боғлаш арқони кнехтга аввал кнехтнинг икки тумбаси атрофига ўралиб, кейин эса саккиз шаклида ётқизилиши шарт.

112. Тахмондаги боғлаш арқонини фақат у палуба бўйлаб етарли миқдорда ёйилгандан кейин узатиш мумкин. Чигалланган боғлаш арқонлари ёки тугунлари бўлган арқонларни узатиш, ҳамда боғлаш арқонларини узатиш даврида тахмон ёки ўрамлар ичида туриш тақиқланади.

113. Капрон арқонларни қўллаш даврида улар ҳаддан ташқари чўзилувчан, силжинувчан, иссиқлик (қуёш нури, иссиқлик манбаи олдида туриши) таъсири остида эскириш ва ейилиш қобилиятига эга бўлишини билиш зарур.

114. Капрон арқонлар ҳар ойда текшириш ва яроқсизликка жалб қилиниши шарт. Толалари узилган, емирилиш аломатлари бўлган ва бошқа нуқсонларга эга бўлган капрон арқонлардан фойдаланиш тақиқланади.

115. Арқонни брашпил ёки шпил чиғириғи билан тортиб олаётганда уни имкон қадар кўпроқ ўраш ва арқонни чиғириқдан 1 м дан кам бўлмаган яқинликда қўл билан ушлаш лозим.

116. Фақат ўсимлик арқонидан тайёрланган стопорлардан фойдаланишга рухсат берилади. Синтетик арқон ёки занжирлардан тайёрланган стопорлардан фойдаланиш тақиқланади.

117. Брашпил ёки шпилни бошқараётган шахс, арқонни тортиб олиш даврида ўрамларни бўшаб қолиши ва чиғириқдан чиқиб кетишига йўл қўймасдан, уларнинг равон ишлашини кузатиб туриши шарт.

118. Чиғириқдан тигиз тўлдирилган арқонни бўшатиш тақиқланади. Арқонни бўшатиш брашпил, шпилни юритиб бажарилиши шарт.

119. Боғлаш механизми чиғириғига у айланаётган вақтда қўшимча ўрамларни ётқизиш тақиқланади.

120. Стопорни қўйиб юбориш даврида арқоннинг таранг тортилган томонида туриш тақиқланади.

121. Леер тўсиқлари билан тўсилмаган палуба ва палубадан ташқаридаги майдонларда осма борт кранцлари билан ишлаганда борт орти ишларида назарда тутилган хавфсизлик чораларига риоя этилиши шарт.

4-§. Сузувчи воситаларни шатакка олишда хавфсизлик талаблари

122. Пулат арқонларнинг толаларида дастлабки диаметрдан 10 фоиздан ортиқ емирилиш ва занглаш мавжуд бўлса, узилган толаларнинг миқдори эса ўз диаметрининг олти қарраси узунлигида умумий миқдордан 10 фоиз ортиқ бўлса шатакка олиш сифатида қўллаш тақиқланади. Бу талаблар боғлаш қурилмалари тўпламига кирувчи арқонларга ҳам татбиқ этилади.

123. Шатакка олувчи илмоқ ва деталларда (штирлар, ҳалқалар, ёпувчи ҳалқалар ва ҳ. к.) дарзлар мавжуд, ҳамда шатакка олиш ёйлари синиқ бўлса шатакка олиш тақиқланади.

124. Шатакка олиш билан боғлиқ барча ишлар вахта бошлиғининг раҳбарлиги остида бажарилади.

125. Барча шатакка пештоқларининг икки томонида, кўринадиган жойга «Шатакдан сақлан» хавфсизлик белгиси ёзилган бўлиши шарт.

126. Шатакловчи лебедка чиғириғида бўлган шатак арқонининг асосий учини шундай жойлаштириш керакки, зарурат бўлганда уни эркин бўшатиш билан тез узатиш мумкин бўлсин.

127. Кемалар, плотлар ва ҳоказоларни шатаккаётган вақтда шатакловчи илмоқнинг яқинида, шатак арқонининг ҳаракатланиш ҳудудида, ҳамда шатакловчининг лебедкаси ва илмоғининг олд томонида туриш тақиқланади.

128. Шатакка олувчининг экипажи билан командаси бўлмаган баржаларга хизмат кўрсатиш даврида шатакловчидан баржаларга ўтиш даврида леер тўсиқли ўтиш траплари ўрнатилиши шарт. Командаси бўлмаган баржаларда боғлаш ва якорни тушириш ва кўтариш ишларини бажараётган экипаж аъзолари ишчи ҳимоя нимчаларида ишлашлари шарт. Шатакловчининг вахта бошлиғи бу ишларни хавфсиз бажарилишини таъминлаши ва назорат қилиши шарт.

129. Шатакка оладиган арқонни қўл билан узатишда ва тортишда арқон узатилаётган ёки тортилаётган борт билан арқон орасида туриш тақиқланади. Шатакка оладиган оғир арқонларни ўтказгич ёрдамида узатиш лозим.

130. Шатакка олувчи арқонни илмоққа шундай кийдириш керакки, қайсиқим арқон тигиз тўлдирилганда уни тез ва хавфсиз бўшатилиши таъминланган бўлсин. Шатакка оладиган арқонни илмоққа илдиришда унинг ён томонида туриш шарт.

131. Таркиб ҳаракатни фақат барча шатакка олинувчи кемалар қирғоқдан бўшатиш билан, уларнинг якорлари ва боғлаш арқонлари тортиб олин-

ган ва маҳкамланган, шатакланувчи кемаларни бирлаштирувчи арконлар тортилган ва кемалардан тасдиқловчи сигнал берилгандан сўнг бошлаши шарт.

132. Шатакловчи арконни илмоқдан олишдан олдин шатакловчи арконни пештоқдан тегишли кема бортига туширилиши тўғрисида ишчиларни огоҳлантириш шарт. Шатакка олувчи арконни узатиш вақтида шатаклаш пештоқининг тагида туриш тақиқланади.

133. Шатакка оладиган арконни қўл билан тортиб олишда (қўйиб юборишда) вахта бошлиғи кема тезлигини арконни тортиб олиш ёки қўйиб юбориш тезлигидан ошмаган энг секин ҳаракатини таъминлаши шарт. Бунда, у доим ишчи ва арконнинг ҳолатини кузатиб бориши шарт.

5-§. Сузувчи воситаларнинг ички ёниш двигателларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатишда хавфсизлик қоидалари

134. Ички ёниш двигателларидан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш даврида қўйидаги меҳнат хавфсизлиги талабларини бажариш шарт:

а) бош двигателлари, буғ қозонлари, ёрдамчи механизмлари ва қурилмаларидан фойдаланиш даврида меҳнат хавфсизлиги бўйича йўриқномаларга қатъий риоя этиш;

б) автоматик химояси ва авария-огоҳлантирувчи сигнал қурилмалари фақат соз машина ва механизмларда ишлаш;

в) автоматлаштирилмаган кемаларнинг машина бўлими иш жойларида меҳнат хавфсизлиги бўйича йўриқномалар, бошқариш постида эса вентиллари рақамланган қуриштириш, ёқилғи тизими чизмалари осилган бўлиши шарт.

135. Машина бўлимининг панжаралари, траплари ва плита тўшамалари доимо тоза ва қурук бўлиши шарт.

136. Фойдаланиш вақтида ёқилғи цистерналарининг барча тешиклари (шу жумладан оғзи), ҳамда цистерналарни тўлдирувчи қувурлар ёпик бўлиши ва оқиш бўлмаслиги шарт.

137. Барча бўлақларга ажратилаётган ёқилғи ва мой қувурлари қисмларининг (фланецли боғланиш, муфта ва ҳ.к.) тагига кўчма поддонлар ёки челаклар ўрнатилиши ва иш тугагандан сўнг дарҳол тозалаб олиниши шарт.

138. Барча вентиллари, клапанлари, задвижкаларнинг созилиги ва уларни ишончли очилиши ва ёпилиши, нефть маҳсулотлари цистерналарининг газ чиқарувчи қувурларидаги ёнғиндан химоя қилувчи клапанлари ва учқун сўндирувчи ва чиқарувчи қувурлари, ёқилғи бункерларининг ўлчаш қувурларидаги ўзи ёпиладиган мосламаларнинг ҳолати бир йилда камида икки марта текширилиши шарт.

139. Ишга туширувчи баллонларнинг, буғ ва ҳаво магистраларидаги стопор ва ёпиш клапанларини тез очиш тақиқланади.

140. Ишлаётган двигателда, ҳамда қувурларда ва босим остида бўлган идишларда бирор-бир таъмирлаш ишларини бажариш тақиқланади.

141. Двигателни ишга туширишдан олдин қуйидаги талаблар бажарилиши шарт:

а) ҳаракатланувчи қисмларнинг яқинида одамларнинг йўқлигига ишонч ҳосил қилиш;

б) ҳаво ўтказувчи қувурлар ва ишга туширувчи баллонларнинг вентилини аста-секин (силтамасдан) очиш.

142. Бош ва ёрдамчи двигателларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича ишларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бу ишларга масъул шахс раҳбарлиги остида бажарилиши шарт.

143. Двигатель ишлаётган вақтида ёнилғи қувурларининг резбали бирикмаларини қотириш тақиқланади. Форсунка қувурларидаги узилган жойларини қидиришда уларни қўл билан пайпаслаш тақиқланади.

144. Бош ва ёрдамчи двигателларнинг ҳаво қувурларида портлашга хавфли мой буғлари концентрациясининг тўпланиб қолишининг олдини олиш учун уларни сиқилган ҳаво босими билан тозалаш шарт.

6-§. Кема жиҳозларидан фойдаланишда хавфсизлик талаблари

145. Жиҳозларнинг ҳаракатланувчи ва айланувчи қисмлари, очик ўтиш жойлари, жиҳозлардаги тешикларнинг атрофлари тўсилган бўлиши шарт.

146. Палуба, борт, деворлар, фалшборт ва бошқа жойлардаги очик ўтиш жойлари ва тирқишлар одамларни тушиб кетиши ва жароҳат олишини олдини оладиган тўсиқларга эга бўлиши шарт.

147. Жиҳоз ва қувурларнинг барча қизувчи қисмлари изоляция қилинган ва уларнинг мой ва ёнувчан модда тушиши мумкин бўлган жойлари эса металл кожухлар билан ёпилган бўлиши шарт.

Палуба периметри бўйича, 0,5 м дан ортиқ баландликда жойлашган кўприкчалар, устки қурилмалар, очик ўтиш жойлари ва майдончалар атрофларида баландлиги 1,1 м дан кам бўлмаган тўсиқлар ўрнатилган бўлиши шарт.

148. Баландлиги 1,1 м бўлган леер тўсиқлар 4 та леерга (чивикқа), баландлиги 1,0 м — 3 леер, баландлиги 0,75 м — 2 леерга эга бўлиши шарт. Пастки леер копламадан 0,23 м баландликда жойлашган бўлиши, тўсиқларнинг орасидаги масофа эса 1,5 м дан ошмаслиги шарт. Леер тўсиқлари орасидаги, ҳамда тўсиқлар ва кеманинг бошқа конструкциялари орасидаги узилган жойлар 0,15 м дан ошмаслиги шарт.

149. Трапларни узатиш жойларида ёпиқ ҳолатда ишончли фиксация қиладиган эшикчалар ёки ечиладиган (қайтариб қўйиладиган) тўсиқлар кўзда тутилиши шарт.

150. Денгиз, кўл, сув омборларида сузишга мўлжалланган кемаларда палубадан баландлиги 1,1 — 0,9 м бўлган тўлқин даврида тутқичлар, таш-

қи палубада эса тўлқин даврида леерларни маҳкамлаб қўйиш учун қурилма (рама, скоба ва ҳ.к.) кўзда тутилиши шарт.

Юк люклари комингс ёки баландлиги 1,0 м дан кам бўлмаган леер тўсиқларга эга бўлиши шарт.

151. Қирғоқ ва бошқа кемалар билан боғловчи ёғоч зиналар барча кемаларда бўлиши шарт. Ёғоч зиналар бир биридан 0,3 — 0,4 м масофада жойлашган, кесими 0,002 x 0,04 м бўлган кўндаланг планкаларга эга бўлиши шарт. Кўндаланг кесимли планкалар тўрт бурчакли бўлиши шарт. Икки томонлама ҳаракат вақтида ёғоч зиналарнинг эни 1,5 м дан кам бўлмаслиги шарт.

152. Кўчма вертикал траплар (нарвонлар) мустаҳкам ва енгил материалдан тайёрланган бўлиши шарт. Бу трапларнинг оғирлиги 16 кг дан ошмаслиги, узунлиги 3 м дан ортиқ бўлмаслиги, тетиваларнинг орасидаги эни 0,3 м дан кам бўлмаслиги, зиналар орасидаги масофа 0,3 м бўлиши шарт.

7-§. Электр хавфсизлиги

153. Электр жиҳозлари, электр инструментлари, ёритиш асбоблари (кейинчалик — электр қурилмалари) меъёрий ҳужжатлар талабларига жавоб бериши шарт.

154. Электр қурилмаларидан меъёрий ҳужжатлар талабларига мувофиқ фойдаланишни ташкил этиш бўйича вазифаларни бевосита бажариш учун ташкилот бўйича буйруқ билан электр хўжалик учун масъул мутахассис ва шунингдек уни алмаштирувчи ишчи тайинланиши шарт.

155. Электр қурилмаларига хизмат кўрсатувчи таркиб меъёрий, техник ҳужжатлар (фойдаланиш бўйича қоидалар ва йўриқномалар, ёнғин хавфсизлиги, химоя воситаларидан фойдаланиш, электр қурилмалари тузилиши) бўйича тегишли лавозим ва касбига қўйиладиган талаблар доирасида билимларини текширишдан ўтказишлари ва электр хавфсизлиги бўйича тегишли группага эга бўлишлари шарт.

156. Портлашга хавфли бўлган ҳудудлардаги барча электр машиналари, аппаратлари ҳамда бошқа электр жиҳозлари ва электр симлари вақти-вақти билан маҳаллий шароитлар билан белгиланган, бироқ 3 ойда камида 1 марта ташқи кўрикдан ўтказишга жалб этилиши шарт.

157. Учқун, қисқа туташув, симларнинг қизиби кетиши ва ҳ.к. пайдо бўлишига олиб келадиган носозликлар, шунингдек электр симларнинг осилиб қолиши, уларнинг ўзаро ёки бино элементлари ва ҳар хил буюмларга тегиб қолиши зудлик билан бартараф этилиши шарт.

158. Аккумулятор батареяларини, ацетилен генераторларини зарядка қилиш хоналарида, бўёқ тайёрлаш ва бўёқ ишларини бажариш учун кучланиш ва ёритиш жиҳозлари ва электр симлари портлашдан химояланган усулда тайёрланган бўлиши шарт.

159. Чанг чиқиш эҳтимоли бўлган цехларда ёнмайдиган материалдан

тайёрланган зич ёпиладиган кожухли ўчиргичлар, рубилниклар, сақлагичлар ва ҳ.к. қўлланилиши шарт.

160. Қуйидагиларга йўл қўйилмайди:

а) очиқ типдаги рубилниклардан ёки дастак қобиғи дарз кетган рубилникларни қўллаш;

б) тез аланга олувчи, ёнувчи ва портловчи моддалар жойлашган хоналарда учкун бериши мумкин бўлган ўчиргич, рубилник, сақлагич, тарқатиш қалқонлари ва бошқа жиҳозларни ўрнатиш;

в) қўлбола сақлагичларни қўллаш;

д) электр қурилмалари қисмларининг ерга туташтирувчи ёки нол ҳимоя ўтказгичини кетма-кет улаш. Ерга туташтириш фақат параллел бўлиши шарт.

8-§. Кема электр жиҳозларига бўлган хавфсизлик талаблари

161. Электр жиҳозларига хизмат кўрсатувчи экипажнинг барча аъзолари уларнинг малакасини тасдиқловчи ва электр жиҳозга хизмат кўрсатиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатларга (дипломлар, гувоҳномалар) эга бўлишлари шарт.

162. Кучланиш остида бўлган участкаларда ишлашда арра, эгов, металл рулетка ва бошқа изоляция қилинмаган инструментларни қўллаш тақиқланади.

163. Брашпил, шпил, боғловчи, юк ва шатакка олувчи лебедкаларнинг ишлашини текширишни электр техник таркиб (ҳамда вахта механиги) бажариши шарт.

Чамбарак қурилмасини, бош двигателнинг дистанцион бошқарув тизимини иш даврида текширишни электр техник таркиб иккинчи механик билан биргаликда бажариши шарт.

164. Одамлар, техник воситаларнинг шикастланиши билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар аниқланганда вахта электр механиги вахта механиги рухсати билан электр жиҳозларни ўчириши мумкин.

IV. Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

165. Мазкур Қоидаларга риоя қилмаган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

166. Ишларни бажариш билан боғлиқ ҳолда ходимларнинг саломатлигига етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

V. Якуний қоида

167. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги,

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси билан келишилган.

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғи*

А. АБДУВАЛИЕВ

2009 йил 25 ноябрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2009 йил 25 ноябрь

Ички ишлар вазири

Б. МАТЛЮБОВ

2009 йил 25 ноябрь

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ИКРАМОВ

2009 йил 25 ноябрь

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ХОДЖАЕВ

2009 йил 25 ноябрь

*«Саноатконтехназорат» давлат
инспекцияси бошлиғи*

И. ХОЛМАТОВ

2009 йил 25 ноябрь

*«Ўздавэнергоназорат» давлат
инспекцияси бошлиғи*

А. НИМАТУЛЛАЕВ

2009 йил 25 ноябрь